



Ишонч


Моҳият

Инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди, жамиятда меҳнат тақсироти, умуман, ўзаро муносабат бўлмоғи керак. Бу муносабатлар адолат талабларига мос бўлиши зарур.

Абу Али ибн Сино

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



Андижон шаҳрида бугунги кунда ўндан ортиқ замонавий бозорлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ободонлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириллаётган. Айни кунларда Жаҳон буюм бозориди ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мебел ва

трикотаж маҳсулотлари сотиш шохобчиси қурилиш қизғин паллага кирган. Бу ерда 3400 ўринли савдо расталари, 305 савдо дўкони, гилам ва мебел павилонлари қурилади. Қурилиш ишларини «Нафис Диёр гулшани» масъулияти чекланган жамияти ишчилари олиб бормоқда.



Суратларда: Андижон шаҳридаги Жаҳон буюм бозориди олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишлари; «Нафис Диёр гулшани» масъулияти чекланган жамияти пайвандчиси Абдурашид Фозилов.

Шухрат ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар

Янги кун янгиликлари

Наманганда таълим муассасалари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон, сени қуйлайман» санъат фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Баркамол авлод йиллига бағишлаб ўтказилган мазкур танловда 330 нафар хаваскор катнашди.

Санъат фестивали

Иштирокчилар етти йўналишда маҳоратини намойиш этди. Ўзбекистон халқ артисти Уринбой Нуралиев раислигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир чиқиш муносиб баҳоланди. Умумжамоа ҳисобида Наманган тумани бадий жамоаси голиб деб топилди. Мақом йўналишида Чустлик Саъдулло Қўқоров, анъанавий ижрочиликда Наманган шаҳар педагогика коллежи жамоаси, эстрада қўшиқчилигида тўрақўрғонлик Қарамон Қўзибоев, яққа чолғу ижрочилигида чортоқлик Мавлуда Мамажонов, чолғу ансамбли ижрочилигида попликар, рақсда янгиқўрғонлик Рўхсора Усанбоева, жамоа рақсидида уқўрғонлик қизлар голиб чиқди.

Фестивал голиблари ва фаол иштирокчилар вилоят кенгашининг дипломи ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Рустам МУҲАММАДЖОНОВ, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

Депутат минбари

Бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотларини бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан мамлакатимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида ўта масъулиятли вазифалар турибди. Сирдарё вилоятида бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Биринчи навбатда «Экоҳаракат боғи» ташкил қилинди.

Экоҳаракат — масъулият дегани

Сирдарё вилоят ўрмон хўжалиги жамоаси ташаббуси билан Бобўт бурилиши — Ипакчилик қишлоғи кесимидаги 18 гектарлик қаровсиз майдонни Бобўт туманлараро «Кимёсанот» базаси филиали меҳнат жамоаси ота-лиққа олди. Шу таразда Гулистан-Янгиер темирйўли йўналишидаги йўл ёқасида майдонларни қора шўра, янтоқ ва туяқоринлардан тозалаш, текислаб шудгорлаш ишлари авж олдириб борилади.

Бир ҳафтага етмай ташландиқ майдон кафтдек текислашиб, жўжлар олинди, биноийдек бог-роғ барпо этиладиган жой ҳозирланди. Қайтадан ўзлаштирилиб, ҳаёт бахш этилган йўл бўйида шўрга чидамли беҳи, жийда, терак, қайрағоч, арча кўчатларини экиш уюшқоқлик билан бошланди.

Ушбу боғни обод қўшага айлантириш ишига вилоят Экоҳаракатининг 1-қурултойи катнашчилари, вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Собир Эргашев, кекса ўрмончи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Нўмон Яҳёев,

вилоят ўрмон хўжалиги раҳбари Хайрулло Одилов ва бошқалар эҳтироҳлиқ намунасини кўрсатиб, яхши ният билан барпо этилган богта дастлабки кўчатларини ўтказиб бердилар.

Хозирда ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда. Турли мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиб, сув йўллари тартибга келтиришда Бобўт туманлараро «Кимёсанот» базаси филиали ишчи-ҳодимлари ва хизматчилари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

— Инсон қўли мўъжизалар яратишига яна бир бор ишондим, — дейди мазкур база раиси муовини Ҳазратқул Бўронов. — Жамоамиз билан шу ҳудуднинг ўзига 8 минг түп мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказдик.

Келгусида амалга ошириладиган ишлар янада кенг қўлаб касб этади: вилоятдаги 55 та қишлоқда яшовчи 36 мингга яқин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1 миллиард 475 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Умумий узунлиги 27,7 км, сув тармоқлари таъмирланиб, 25 та аҳоли пунктини ичимлик суви

билан таъминлаш яхшиланди. Янгитдан эса 12,3 км. ичимлик сув тармоғи барпо этилади. Бугина эмас. Шунингдек, 6 та қишлоқ аҳолиси шундай қўлай имкониятга эга бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Гулистон, Оқолтин, Сардоба туманларида 980 тонна сутни экологик тоза ҳолда қайтадан ишловчи ва мева-сабзавотни қайта ишлайдиган 6 тадан корхонани ишга тушириш дастури қабул қилинди. Режага қўра, вилоятда экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича 33 та йирик объектларда қайта созлаш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилади ва шу мақсадда 9 миллиард 751 миллион 300 минг сўм миқдорда маблағ сарфланади.

Амалга ошириш кўзда тутилган бу ва бошқа қатор ишлар вилоятимизда экологик муҳитни таъминлашда ижобий ўзгаришларга олиб келади ва табиийки, бу ишларни рўйбга чиқариш биз депутатларнинг доимий назоратимиз остида бўлади.

Отабек АБДУҲАНИЕВ, «Давр ёшлари» газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Амалга ошириш кўзда тутилган бу ва бошқа қатор ишлар вилоятимизда экологик муҳитни таъминлашда ижобий ўзгаришларга олиб келади ва табиийки, бу ишларни рўйбга чиқариш биз депутатларнинг доимий назоратимиз остида бўлади.

Уларнинг таъбираси оммалаштирилмоқда

Комил Юнусов — механизатор. Ғайрат Очилов — тадбиркор. Иккаласи ҳам бир жойда — Вобект туманидаги Қумушкент қишлоғида яшайди. Хонадонларида мол боқилади. Ҳар бирида бештадан қорамол, жумладан, иккитадан санин сизир бор. Мол озуқалари етарли. Ен-атрофдаги омикта ем сотиш шохобчасидан олиб туришади. Молларга бериладиган ем-хашак сарфи деярли бир хил. Бироқ маҳсулдорлик бобида тарозин тенг келмайди. Ҳартада тафовут бор. Яъни бир оила соғиб олаётган сутни билан қатик, қаймоқ, сарғида бўлган эҳтиёжини зўрга қондирса, иккинчисида маҳсулдорлик уч хисса кўп. У эҳтиёждан ортан маҳсулоти тини бозорда сотиб, оила даромадини ошириб келаяпти.

Ўзига хос ибрат

Нега шундай? Ҳартада фарқ нимага боғлиқ? Гап шундаки, кам сут олинаётган сизирлар жайдари, уларда қўнлик сут миқдори 3-4 литрдан ошмайди. Иккинчисининг сизирлари эса зотдор. Уларнинг кундалик маҳсулдорлиги 10-15 литрдан кам эмас. Ҳартадаги фарқни нафақат сизирларда, балки бурдоқига боқилаётган қорамоллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бирини сўйилган моллар оғирлиги 150 килонинг нари-берисиди бўлса, иккинчисиди 400-450 килони ташкил этмоқда. Эндликда, бизнингча, ушбу ҳолатларни янада чуқурроқ шарҳлаб, қай бир жиҳатининг афзаллигини тушуништиришга ҳоҳат қолмади.

Чорва — 2010

Норхот РАҲМАТОВА, Агротехнолог мажмуи ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси, вилоят мониторинг гуруҳи раҳбари ўринбосари

Кейинги йилларда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш йўлида моллар зотини яхшилаш, сунъий уруғ-лантиришга эътиборини кучайтириш, зооветеринария хизматини юқори даражада ташкил этишга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Натижада чорвачиликни ривожлантириш учун имконият яратилапти. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити яхшиланиб, даромади ошмоқда. Фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Айни чоғда ҳудудимиздаги 11000 та қишлоқ фуқаролар йигинларида 431 та зооветеринария, 327 та сунъий қочирин шохобчалари ишлаб турибди. 1118248 бош қорамол, шу жумладан, 538348 бош сизир назоратга олинди. Чорва молларига хизмат кўрсатиш юзасидан 120942 та шартнома имзоланиб, 221572 та мол парварлаштирилган оилалар шохобчаларга бириктирилди. Худуддаги 700 та маҳаллада мавзуга доир суҳбат ўтказилиб, 1259 нафар фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борапти. Мониторингларда соҳага алоқадор 101 та камчилик аниқланиб, 70 таси жойида ҳал этилди.

Уларнинг таъбираси оммалаштирилмоқда

Комил Юнусов — механизатор. Ғайрат Очилов — тадбиркор. Иккаласи ҳам бир жойда — Вобект туманидаги Қумушкент қишлоғида яшайди. Хонадонларида мол боқилади. Ҳар бирида бештадан қорамол, жумладан, иккитадан санин сизир бор. Мол озуқалари етарли. Ен-атрофдаги омикта ем сотиш шохобчасидан олиб туришади. Молларга бериладиган ем-хашак сарфи деярли бир хил. Бироқ маҳсулдорлик бобида тарозин тенг келмайди. Ҳартада тафовут бор. Яъни бир оила соғиб олаётган сутни билан қатик, қаймоқ, сарғида бўлган эҳтиёжини зўрга қондирса, иккинчисиди маҳсулдорлик уч хисса кўп. У эҳтиёждан ортан маҳсулоти тини бозорда сотиб, оила даромадини ошириб келаяпти.

Акс-садо

Самара

«Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда».

Мамлакатимиз Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида билдирилган ушбу фикрлар соҳа ишига берилган муносиб баҳо ҳамдир. Фуқароларнинг долзарб муаммоларини вақтида ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қўлланилаётган чоралар кундан-кунга ўз самарасини кўрсатапти.

Вақт ўтгани сайин, тажриба ҳам ортиб бораверар экан. Оқсоқоллик масъулияти елкамга юкланганига яқинда ўн бир йил тўлади.

Маҳалламизда 3200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фаоллар билан баҳамжihat тўй-маръакаларни ўтказиш, хотин-қизлар билан ишлаш, ёш оилалар учун муроса қўчасини кўрсатиб бериш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги фаровонлик ва осойишталикка хизмат қилмоқда.

Участка ноziри, милиция капитани Обруй Ҳамроев ва маҳалла побони Мавлон Салоҳиддинов ўз бурчига сидқидилдан ёндашгани туфайли кейинги 3 йил мобайнида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик содир этилмади.

Файзулла ИБODOV, Нарпай туманидаги Кўкота МФЙ раиси

Барқарор макроиктисодий ҳолат ялли ички маҳсулотларида хизмат соҳаси улushi 1991 йилдаги 16,3 фоиздан 2009 йилга қадар 47,2 фоизга кўтарилишига имкон яратди.

Ўсиш динамикаси хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда ҳамда иктисоднинг юқалишида суғурта хизматларининг ўрни беқорси бўлиб, республикамизда суғурта бозорини ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда суғурта хизматлари бозориди 33 та суғурта, 1 та қайта суғурталаш компанияси, 3 та суғурта брокери каби бир қатор идоралар фаолият юритмоқда.

Ўтган йил давомида республика бўйича жами 142,7 миллиард сўм тўланди. Бу эса олдинги йилга нисбатан 62,2 фоизга кўп.



Мухим манба

Меҳнат жамоасида касба уюшмасининг обрўсини белгилайдиган асосий омиллар нималардан иборат? Етқачининг маънавий қиёфаси, иш услублари қандай бўлиши керак? Бундай саволлар бугун кўпчиликини қизиқтириши табиий.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг ёқилги, энергетика, кимё саноти ва геология тизимига қарашли йирик корхоналар асосан Қашқадарё вилоятида жойлашган. Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Муборак-нефтьгаз», «Шўртангаз» унитар шўбага корхоналари, «Шўртангазкимё» мажмуаси,

Талимаржон иссиқлик электр станцияси, Кўқдумалоқ комп-рессор станцияси, Муборак иссиқлик энергия маркази каби ўнлаб гигант корхоналар мамлакат энергетика тизимининг асосини ташкил этади. Уларда меҳнат қилаётган ўн минглаб ишчилар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига касба уюшма ташкилотлари ҳам му-

Очиқ мулоқот

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг «Баркамол авлод — юрт келажиги» мавзусидаги чиқишларида ёшларнинг соғлом вояга етиши, замонавий билимларни пухта эгаллаши учун ҳамма шариёт яратилгани алоҳида таъкидланиб, боаларнинг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш, терроризм, ичкилик-бозлик ва гиёҳвандлик каби жиноятчиликнинг олдини олишга ҳақида фикр билдирилди.

Тадбир доирасида махсус тренинг ташкил этилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, жамоатчи мухбир

Форум

Миллий ва халқаро суғурта

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган SAIPRO Ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган форумда хорижий ва миллий суғурта, брокерлик ва бошқа ташкилотларнинг топ-менеджерлари, вазирликлар, идоралар, давлат ва нодавлат жамоат ташкилоти вакиллари, банк, инвестиция ва аудиторлик компаниялари раҳбарлари катнашиб, ушбу мавзуларда фикр алмашдилар. Шунингдек, унда жаҳондаги 16 та —

Буюк Британия, Мароқаш, Австрия, Франция, Украина, Ҳиндистон каби бир қатор мамлакатлардан суғурта бизнеси вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Тадбир давомида миллий ва халқаро суғурта бозорининг аҳоли, суғурта бизнесини ривожлантиришдаги муаммолар ва долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири

тахрири остида чоп этилган ушбу рисолада Ўзбекистон ёқилги, энергетика мажмуи, кимё саноти ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилояти вакилиги тизимида иш берувчи билан ҳамкорликда ватан равнақи, халқимиз саодати йўлида меҳнат қилаётган касба уюшма фаоллари ва жойлардаги касба уюшма қўмиталарининг ибратли фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур тизимда ишлаётган ёки эндигина фаолиятини бошлаган касба уюшма фаоллари ишларни ташкил этишда китобдан муҳим манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Довуд МАДИЕВ

Хисобот-сайлов конференцияси

Бугунги кун касабакўми

Ушбу лавозимга янги сайланган пайтларимда жамоа аъзолари «профсоюз» ёки «местком» деб мурожаат қилишса, қулоғимга галати эшитиларди. Мана орадан беш йил ўтди. Бейхитёр ўзимга ўзим савол берарман. Мен жамоа учун нима иш қилишга улгурдим? Дилимга тугиб кўйган ниятларимни қанчалик амалга ошира олдим?..

Хар ҳолда бир нарсани тушуниб етдим. Касабақўм иш берувчи билан жамоа ўртасида тарози шайини бўлиши керак. Хар иккала томонни тенг тутиб, жамоа шартномасига таънаган ҳолда иш олиб бориши лозим.

Хар бир корхонанинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлиши табиий. Бундай пайтларда касабакўм лоқайдлик қилмасдан, синчковлик ва зийраклик билан муаммо ечимини топа билиши

даркор. Шунда хар қандай оғриқ газак олиб кетмайди, асорат қолдирмайди.

Шундагина ишчи-ходимлар унинг кучига ишондилар ва ўзларини қийнаётган масалалар билан мурожаат қилдилар. Оила аҳил бўлса, уйдаги гапни кўчага чиқармайди. Бир сўз билан айтганда, юқори ташкилотларга ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ўрин қолмайди.

Фаол етакчи ходимнинг юз-кўзига қараб дардини билиши ва ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатиши керак. Айрим ҳолларда ишга кеч келган ходимга «Нега кеч қолдинг?» деб эмас, балки

«Оилангиз тинчми, соғлигингиз яхшими?», деб кўнгил сўраб, вазиятни ойдинлаштириш кўпроқ наф келтиради, интизомни мустаҳкамлайди.

Шунингдек, у ходимнинг мукофотлашиши ёки жазоланиши каби масалаларнинг ҳам адолатли ҳал этилишида ўз фикри ва амалий сўзига эга бўлиши лозим. Буюк Амир Темур «Куч — адолатда» деб, беҳиз айтмаганлар.

Касабақўм раиси билимли ҳуқуқшунос, маънавият-маърифат тарғиботчиси, шахс сифатида шакллана олсагина, том маънодаги етакчи бўла олади.

Ўзбекистон касаба уюшма Федера-

цияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова ўз маърузаларининг бирида «...Умумий меҳнат ва баракали маош ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир — бу бизнинг шioriимиз бўлиши керак» деган эди. Ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози даврида касабакўм раиси бир чеккада турмасдан, фоалик кўрсатиб, ташкилотнинг ривожига ва шу билан бирга, жамоа аъзоларининг ижтимоий аҳволи яхшиланишига ўз хиссасини қўшиши зарур.

Р.ИНАТУЛЛАЕВА, Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшма кўмитаси раиси



Ишонч ва меҳр қозониб Тараққиёт натижасида эришилаётган муваффақиятлар инсон билан бевосита боғлиқ.

66-махсус меҳнат таълими мактабида ўтказилган Чилонзор тумани таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитасининг хисобот-сайлов конференциясида ҳам масаланинг ана шу жиҳатига кўпроқ эътибор қаратилди.

— Аъзоларимиз меҳнати муносиб тақдирлиниши ва кадрлиниши учун халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда талай ишлар амалга оширилди, — деди туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Улмас Қаҳҳорова. — Айна пайтда 781 нафар ўқитувчи ойлик маошига 30-40 фоиз устам ҳақ олмақда. Бу эса ўз навбатида жамоада соғлом рақобат муҳитини яратиб, иш самарадорлигини оширади.

Айтиб ўтиш жоизки, 200 дан зиёд пенсия ёшидаги, 97 нафар ногирон меҳнати ҳам муносиб кадр топмоқда. Хисобот даврида 525 нафар кам таъминланган ходимга 20 миллион сўмдан ортик моддий ёрдам кўрсатилди.

Конференцияда ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам тилга олинди. Мансабини суистеъмол қилаётган шахслар ҳам аниқланди, улар ўзларига яраша жазо олгани алоҳида таъкидланди. Мактаб халқ ва давлат эъзозига муносиб муқаддас маскан эканлигига урғу бериб ўтилди.

Хисобот маърузаси юзасидан сўзга чиққанлар кўмита фаолиятига қониқарли баҳо бердилар. Узининг ташкилотчилиги, жонкуяр ва гамхўрлиги билан жамоанинг ишончини қозонган Улмас Қаҳҳорова яна кўмита раиси этиб сайланди.

Д. КАРИМОВА Икром ХАСАНОВ олган сурат



Фаолият қониқарли баҳоланди

Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, инқироз шароитида янги иш ўринларини яратишга қўмаклашиш хар бир касаба уюшма аъзосининг зиммасига катта масъулият юклайди. Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси Кибрай тумани ташкилотининг хисобот-сайлов конференциясида ушбу масалалар атрофлича муҳокама этилди.

— Хисобот даврида имкон даражасида жамоа шартномасига асосан ходимларимизга қатор имтиёз ва кафолатлар яратилди, — деди тармоқ касаба уюшмаси Кибрай тумани вакили. — Гарчи маълум сабабларга кўра кўпгина ташкилотларнинг ёпилгани туфайли аъзоларимиз сони камайган бўлса-да, қўшимча манбалар ҳисобидан сифимизни тўлдиришга ҳаракат қилаймиз. Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояга ҳам алоҳида эътибор бераймиз. «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда байрамлар муносаба-

ти билан турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Фуқаролардан тушган 12 ёзма, 70 дан зиёд озгаки мурожаат қонун доирасида ҳал этилди. Баркамол авлод йилда туман вакилигининг дастури тасдиқланган бўлиб, унга кўра ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган.

— Кишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, у ердаги ёшларни иш билан таъминлаш, муаммоларини ҳал этишда фермер хўжаликлари асосий кучга айланиб бормоқда, — деди «Истиклол Шукророва Гўзал» фермер хўжалиги раҳбари Гўзал

Шукророва. — Хўжалигимиз ташкил этилган 2006 йили касаба уюшма аҳамиятини англаб етган ҳолда аъзо бўлганмиз. Уша пайтда бешта ходим билан иш бошлаган бўлсак, айни кунда ўттиз саккиз киши бирга ишляймиз. Улар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган, хўжалигимизда етиштирилган картошка, пиёз, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар ишчиларга мукофот тарзида ажратиб келинади. Ишчиларга йилда бир марта махсус кийим берилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар ташкилотнинг беш йиллик фаолиятини қониқарли баҳоланган ҳолда муаммоларни бартараф этиш бора-

сидаги тақлифларини ҳам айтишди. Тadbирда тармоқ Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Марзия Қўлдошова, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Жаҳонгир Саидов, тармоқ вилоят кенгаши раиси Баҳодир Мирзаев ташкилот фаолияти юзасидан мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Жасур Шораҳмедов касаба уюшмасининг туман бўйича вакили этиб тайинланди ҳамда бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Тadbир сўнггида бир гуруҳ ёшларга касаба уюшма гувоҳномалари топширилди. Намунали фаолияти билан ўрнатилган бир гуруҳ фаоллар эса вакилликнинг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Изчиллик самараси

Ислохотлар натижасида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими яратилди, таълим муассасалари янгича қийфа касб этди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фаллаорол туман кўмитасининг хисобот-сайлов конференциясида ҳам бу борадаги ишлар эътироф этилди.

— Ҳозирги кунда жамоа келишуви ва шартномаси орқали 4250 нафар ходимнинг бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий ҳимоясига оид манфаати қамраб олинди, хар бир ходимга сарфланган маблағ 16980 сўмдан 30450 сўмга қадар ошди. Хисобот даврида ишловчиларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратишни назорат қилиш соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди, — деди касабақўм раиси Абдулҳаким Шакарбоев. — Утган давр мобайнида 23 та таълим муассасасининг бу соҳадаги фаолияти ўрганилиб, ходимларга қулай, хавфсиз иш жойларини яратиш юзасидан берилган тақлифлар бажарилиши назоратга олинди. Шунингдек, 18 га яқин меҳнат қонуларини бузиш ҳолати аниқланиб, камчиликлар бартараф этилди. Республика санаторийларида 37 нафар ходим соғломлаштирилди. Туманда мавжуд болалар оромгоҳлари ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда 350 нафар бола дам олдирилди.

Тadbирда сўзга чиққан тармоқ Марказий кенгаши раиси ўринбосари Мурод Шариф-жонов ва бошқалар ташкилотнинг фаолияти юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди ўтишди.

А.Шакарбоев яна туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз



Кўпқари гурунглари

Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

Хадича бойбича икки йилдан бери хизматини қилиб бирон марта илтимос билан юзланмаган мардикорнинг гапидан ажабланиб: — Майли, айтавер, қўлимдан келса бажарарман, — дебди. — Хўп десангиз, шу кўпқарини Қорақашқани миниб томоша қилсам, бир умр сизни эслаб юрарман.

Сезгир бойбича йигитнинг бир неча йилдан бери бир култум сувга зор бўлиб қақраб турган тупроқдай кўпқарига интилиб турганини англаб: — Майли, борганинг бўлсин, ўша Қорақашқа бир кун сенинг измингда бўла қолсин, — деб Бойтўрани руҳлантирибди, сўнг чавандозларни чакириб: — Дўсан бойнинг тўйида Қорақашқани Бойтўрадан бошқа ҳеч ким минмасин, — деб буюрибди.

Бундан руҳланган мардикор йигит ўша кундан бошлаб тўй тадоригини кўра бошлабди, чавандозларнинг бир жуфт ўзига лойиқ йиртилган ҳаққари этигини топиб ямабди. Шу этикнинг остига хар эҳтимол учун Убай фирромга қарши қурол деб ўткирилган темирни синчиқлаб қарамаган оддам сезмайдиган даражада учини қақриб михлабди.

Бойбичанинг чавандозлари: — Шундай улоқни отни кўпқаридан қолдириб, бир тайини йўқ хизматкор миниб томоша қилишига ружхат берди, — деб бироз дардлашиб олишибди.

Улар йўл бўйи йиртиқ-ямоқ жомакорни эгнига илган Бойтўранинг устидан кулиб боришибди: — Чавандоз, тагин ҳамма зотни бир ўзинг олиб, бизларни доғда қолдирма. — Этикни қаранг, этикни, жомакори ҳам ўзига ярашибди... Вақти-соати этиб кўпларни интизор этган тўй бошланиб, баковул бирин-бирин зотларни эълон қилиб, такани майдонга ташлайверибди. Бир неча соврин эгасини топибди. Бойтўра ҳам шерикларини хайрон қолдириб, уч солимини ҳалоллабди. Навбат бош совринга келганда майдон сув сепилгандек бўлибди: — Эшитмадим деманглар, Дўсан бой бош совринга севимли отини ташлади, кўпқарида Кўкчанинг ўзи ҳам Убай чавандоз билан қатнаша-

ди, от ҳалол айирганники. Убай фирром Кўкчани минганча кўкрагини кериб таканинг устига борибди, бир оёғига эгарининг қошига илдирилган арқонни пухталаб бойлаб: — Хайё-хуйт, — деб жўнабди.

Юраги алангалиниб турган Бойтўра рақибининг изида қолмаслик учун таканинг иккинчи оёғидан ушлабди. Оломон лол, одамлар нафас олишдан ҳам қизғонишган, отларнинг тезлигидан жийин жойида қолган. Даврада икки чавандоз ор учун, мислсиз тулпор учун талашарди. Бойтўра кулайлаб бир-икки марта ҳаққари этик учидида кескир темирни арқонга теккизибди. Ширт этиб чилвиринг бир толаси узилибди. Бунн ҳеч ким, ҳатто Убай фирром ҳам сезмабди. Майдонни икки айланган рақиблар тўпланганларга роса томоша кўрсатишибди. Учинчи айланишда Бойтўра билагидидаги кучини бир ерга жамлаб, такани силкитиб-силкитиб хайқирибди: — Ё ота-бобомнинг арвоҳи!

Пухта арқон шарт этиб узилибди, улоқни бир ўзи айирган Бойтўранинг қулоғига баковулнинг хайқириги элас-элас эшитилибди: — Қорақашқа, сеннки ҳалол, такани ташла! Хадича бойбича азалий рақибдан орини олиб берган чавандозга бош-оёқ сарпо кийдирибди. — Ҳалолнинг бўлсин, Кўкча сеннки, — дебди... Кўп ўтмай отасининг вафот этгани ҳақида хабар олган йигитга оқ йўл тилаб қўлибди.

Бойтўра отасига аза очиб, маъракаларини ўтказди. Шу орада Кўккўтал майдонда кўпқари бўлиши ҳақида овоза тарқабди. Кўкбулоқлик Мухаммад чигилинг катта гапириб кўйгани ҳам оғиздан-оғизга ўтибди: — Мана кўрасизлар, насиб этса кўпқаридаги катта зотларни фақат менинг отларим айиради.

Қизилмозорликларнинг елкаси тушибди, кўзга суртиб турган чавагонларни азадор бўлса, наҳот Мухаммад чигил «Сенлар ҳам элмисизлар?» деб устларидан кулиб кетаверса, элнинг номус-ори тупроққа қоришиб қолаверса? — Бойтўрага отасининг вафот этганига ҳам ярим йилдан ошди, энди даврага чиқаверса бўлар, — ўзаро кенгашибди ел оқсоқоллари.

Аммо Бойтўра отасининг гапини олмайди: — Бир камим отасига аза очмади деган таънага қолиш эди. Ёр йигит ўр келди, номус-ори зўр келди, Бойтўранинг ухлаб оромни бўлмади, мақтанчоқ чигилининг гапларидан кўзларига уйку инмади, кишлоқдошлари раъйини сандирганидан кўнгли тулмади, шу хайларн оғушида уйку элтиганида устида турган отасини рўй-рост кўрди: — Тур, ўғлим, элнинг номус-ори ҳамма нарсадан устун, ким нима демасин отингни кўпқарига шайла, гапини олмасанг гўримда тикка тургани бўлсин.

— Йўқ, ота, — бейхитёр шивирлагандек бўлди Бойтўранинг лаблари. — Мени азобга қўймаган, ҳали кўпқари чападиган вақтларим келар. Уғлнинг яқравлигидан елкаси тушган отанинг шарпаси кўзидан гоийб бўлибди. Бойтўра ётган ўрнида гингшиб, уйку бандилигида тўлғонаётганида тушида оппоқ кийим кийган, оппоқ соқоли кўксига тушган чол намоен бўлибди: — Отангни ранжитма, болам, отанинг розилиги тангрининг розилигидир, бу давра сенки бўлиши керак, кўп ўйлаб ўзингни қийнама, ўрнингдан тур, — деб ўнг қўли билан Бойтўранинг ўнг елкасига авайлабгина қоқибди.

Қора терга ботиб уйғонган Бойтўра у ёқ-бу ёғига аланглаб, хонада ёлғиз эканлигини англабди, кўнглига гулуғла оралабди: — Эй, Яратган эгам, бу нима синоатинг бўлди, энди мен нима қил-

дим? — деб илтижо қилибди...

6 Кўккўтал майдони тирбанд. Чавагонлари-ю отларидан кўнгли тўқ Мухаммад чигил эл назарида томошабинларни бепесанд қузатган. Қизилмозору Қўшқўл, Дубу боғуорбоғликларнинг юраги алағда. Яккабоғ, Фузур, Камаши, ҳатто сурхонликлар ҳам тўда-тўдага бўлинишган, хавасаки ишқибозлар отларини у ёқ-бу ёққа елдиришган, шовлоқни бири қўйиб-бири талашган, аммо ҳаммининг юрагида бир қўрқув аралаш хаяжон муржасам, бир-бирига шивирлашган ким, дилидагини баралга айтган ким: — Наҳот даврада Мухаммад чигилинг чавагонларига бас келадиган мард топилмаса?

— Ана, ўзини қаранглар, аллақачон галаба нашидасини сурайтти. Кимлардир умид аралаш кўпқари майдонига етақлайдиган сўкмоқларга кўз қирини ташлайди, кимдир тулпорлари илк зотларни айириб, оёғи остига келтириб ташлаган Мухаммад чигилга хайбаркалалчилик қилади. Шу орада ўз уй-хаёлларига чўмган, майдонда номус-ор талашаётган тулпорлар чавандозлар тортишувига махлиё бўлган оломон кўкиш от минган, бошидаги телпагини қошларигача тушириб, гўшагини томоғи остидан тортиб боғлаган норул йигитнинг кўпқарига аралашганини сезмай қолди. Фақат баковул наватбадга голийни улуглаб: — Кўкиш от суворийси, такани ташла, сенки ҳалол, — деганида даврада шивир-шивир бошланди: — Ким экан бу чавандоз? — Танидингизми? — Қандини урсин.

Нотиани чавандозни синчковлик билан қузатган Мухаммад чигилининг гариллаши ҳаммасини аён этди: — Бойтўрами? Йўғ-эй, отасининг жасади совмай тўйда пишириб қўйибдимми?

Қизилмозорликлар тўдаси жонланди: — Бор экансан-ку, ота ўғил! — Илоҳим умрингдан барака топ! — Бир ўзингни кўрсатиб, Мухаммад чигилининг оғзини ёп! Қараса Мухаммад чигил эл олдида изза бўладиган, жаҳл устида чавагонларини ёнига чорлади: — Шунча киши бир одамга бас келмасанглар, суф-ей сизлардек ношў чавагон муендек нодон бой! Еган-ичганларинг захар-заққум бўлсин, бош совринни хар йўл билан бўлса-да ҳалолмасанглар, қўрғонга қайтиб ўтирманглар.

Бош соврин ташланганда Мухаммад чигилинг чавандозлари Бойтўрага йўл бермаслик учун кўпқарида энг қораланадиган фирромликка қўл уришди — таканинг оёғига узун арқон ташлаб, етти эгарнинг қошига тортиб боғлашди. Кимдир сурдакда ён бермаётган Бойтўранинг боши-юзи аралаш қамчи тортиди, кими отининг жиловига панжа босди...

Майдонга жамланган оломон кейинчалик неча йилдан бери бундай сурдакни кўрмаганларини гапириб юришди: — Эшитишимча, ўшанда Бойтўранинг Кўкчаси толиқиб, узанги йўлдошлари Шоймардон оқсоқолнинг Турки отини сурдакда тортишаётган чавандозга ўнглашибди. Бойтўра такани қўлддан бўшатиб бир отдан иккинчисига ўтибди. Охири солимини чилвир солинган етти эгарнинг қоши билан узиб ҳалол айирибди, — деди Холмат домла Бойметов наватбадга манзарани кўз олдимизда тиклаб.

7 — Бу майдонда ким мағлубият аламини тотмаган дейсиз, — сўхбат тизгинини қўлга олди Жовли домла. — Ёши қирқдан ошган Бойтўра бир гал Бойсуида бўлган кўпқарида ўзидан анча ёш чавандозга қўлидаги ўлжасини олдирибди. — Тамом, энди майдонга чиқмаганим бўлсин, — дебди у тоғ ошиб кишлоқларига энаркан узангийўлдошларига.

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Кахрамонимиз Хаётхон Очилов масъуллик хиссини 1998 йилда илк бор кўнглидан ўтказганди. Ушунда касбдошлари бир овоздан уни таълим ва фан ходимлари Каттакўрғон туман бирлашган касаба уюшма кўмитасига етакчи қилиб сайлашди.

Эл одами бўлиш бахти



Бола бошидан деганларидек, зиёли оилада воёга етган Хаётхон эзгулик инсон маънавий олимпиадагиди...

— Бобгон бутун умр ўзидан боб қолдириш истаги билан меҳнат қилади, — дейди каттакўрғонлик устоз ўқитувчи, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Олия Уроқова...

ди. Она қишлоғи Кичикмундиён марказида қад ростлаган маҳалла ва масжид бинолари ана шундай саховат ва қуюнчаллик самарасидир.

— Республикамизда юз бераётган ўзгаришларга жимгина қараб туриб бўларканми? Президентимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган алоҳида эътибори...

латимизнинг буюклигини тасаввур этганининг ўзиёқ улкан орзулар деб ҳисоблаш бўлди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури эса баркамол авлод орзуларига қанот бахш этиб келмоқда.

— Ресубликамизда юз бераётган ўзгаришларга жимгина қараб туриб бўларканми? Президентимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган алоҳида эътибори...

ва уларнинг оилалари эътиборда бўлади. Туман халқ таълими бўлими билан тузилган жамоа келишувиди...

Тарбия йўлидаги бир мисолни айтиб ўтиш балки ўринлидир. Бундан анча йиллар олдин мактабларда «Куни узайтирилган гуруҳ» фаолият юритарди.

Туманда 6 та таянч мактабни борлигини эшитиб, уларни бориб кўрмоқчи бўлдим. Мазкур мактабларда ёшларнинг камол топиши учун чиндан-да яхши шароит яратилган.

Кўмита қабулхонасига чакка сочларига оқ оралаган, истараси иссиқ, хушнуд кайфиятдаги ўқитувчилар кириб келишди. Хол-аҳвол сўрашга, улардан бири Хаётхон Очиловга юзланиб деди:

— Раис бува, бизга маслаҳат беринг. Келгуси ойда иккаламиз ҳам пенсияга чиқамиз. Тунов қуни Шамси Умаровнинг 60 йиллик юбилейини жуда эсда қолари қилиб ўтказдингизлар. Бизнинг ҳам ниятимиз шундай хушнудликка моил эди. Нима дейсиз?..

— Жуда яхши. Хозир ўтириб, барча масалаларни келишиб оламиз. Уларга халақит қилмаслик учун уэр сўраб, ортага қайтишга чоғландик. Тўй тўйларга, тадбирлар тадбирга уваларверар экан, бундай аҳил давралардан фэйз аримаслигига аминимиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзига хос ибрат

(Боши 1-бетда) Вобкент туманида 27828 хонадон бор. Худудда 57750 та мол парвариш қилинаётган бўлса, уларнинг 28711 таси сирлардир. Агар тумандаги чорвачиликка ихтисослашган 16 та фермер хўжалигида 1047 та қорамол (шундан 286 таси сир) боқилаётганлиги инобатга олинса, шахсий хўжалиқларда қанча чорва борлигини билиш қийин эмас.

Хозир қорамолчиликни янги босқичга олиб чиқишда тарғибот-ташвиқот ишлари самара берапти. Туманимизда 21 та зооветшоҳбча мунтазам ишлаб турибди.

Чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг истиқболи белгиланган. Бу йил зооветеринария хизмати кўрсатиш бўйича хўжалиқлар ва аҳоли билан 10465 та шартнома тузилди. Шу асосда 8748 та сирни суғий қочириб режалаштирилган бўлиб, биринчи чоракда қўзланган натижага эришилди. 13,3 млн. сўмлик пулли хизмат кўрсатилди. Утган йилларда Украина ва Россиядан 21 та зотдор қорамол харид қилинган эди. Бугунги кунда уларнинг сони 50 дан ошган.

Шу ўринда қиёслаш учун яна айрим рақамларни келтириб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг охиригача қорамоллар сонини 74065 тага етказишга ҳаракат қилинапти. Гап фақат мол сонини кўпайтиришда эмас, балки улар зотини яхшилаб, махсулдорлигини ошириш ҳам муҳим

Жорий йилда зооветшоҳобчалар ва қушхоналар сонини яна битта-бири қўшиб, уларни замонавий асосда англо-америкалик ишчилар билан ташминлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қулай меҳнат шароитини яратиш чоралари кўриляпти. Яқинда барча зооветшоҳобчаларга уяли телефон ва велосипед олиб берилди. Бу аса хизмат кўрсатишни янада яхшилашни ташминламоқда.

Уларнинг тажрибаси оммалаштирилмоқда

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этадиган бундай вазифаларни бажаришда касаба уюшмаларининг ҳам хизмати аққол кўзга ташланмоқда.

Озуқа таъминотини яхшилаш мақсадида 625 гектар ерда баҳорги ва 589 гектар майдонда такрорий маккажўхори, 110 гектар баҳорги, 45 гектарда кузги беда, 625 гектар майдонда оралик экинлар етиштириш кўзда тутилган. Режанинг бирин-кетин амалга оширилишига соҳа тараққиётига қафолат беради.

— Эл маъмуричилиги йўлида биз ҳам соҳа мутахассислари билан ҳамкор бўлишни бурчимиз деб биламиз, — дейди агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ражаб Тўраев. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нуфузли йиғилишида тажрибачиларнинг оммалаштириш маъсулиятини янада ошириди. Хонадонлардаги молларни хатловдан ўтказиш, зооветшоҳбчаларнинг аҳоли билан боғлиқ ишлар назоратга олинган. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз.

— Ҳақиқатан тигиз пайта касаба уюшмаларининг бизга кўмакка келиши аниқ мудабо бўлди, — дея Р.Тўраевнинг фикрларини маъқуллади туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи Олим Жўраев.

Х. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

— Қўй-эй, ёш боланинг гапини қилма, бир марта совринни олдиригинингга шунчамки, шу даврада олган зотларинг камлик қилаяптими? — уни шаштидан қайтармоқчи бўлишди буйинча жўралари.

— Улим, менга байталини эгарла, ўзинг отингга мин, бир Бойсун томонлардаги хеш-акраболарни кўриб келайлик. Ешим бир жойга бориб қолди, кейин юрагимда армон қолмасин.

— Шундай онадан яралган фарзанд билан тенг зот талашганиннга шукур қил, онаси мендан зиёд экан.

ЛАНГАРТОГ ТОМОНЛАРДА

Қўйқарида, отнинг хосиятидан гап очганимизда асли Деҳқонободнинг Терсоқар қишлоғи, хозир Миришкор туманида яшаётган Жовли чавандоз тилла топан кулга ўхшаб қолди.

олган боғучорбоғлик Шаъбонев раис уни қўздан яшириб сақлади. Икки йилдан сўнг ҳам бу отга минишни чавандозлар ўзларига ор билган, умрини пода изидан ўтказётган Қорабой Бухор деган қўпона пуллаб юборди.

— Уш кеча Қорабайир сўқимга боғланган жойида ҳаром қотди. Қорабой Бухордан эса файзу барокат кетди.

— Жовли домла бизга тўғри йўл кўрсатди, ким нима демасин кўпқари гурунларини майдонда от сурган чавандозлару йил буйи тутилган тўй давраларидан биронтасини қолдирмай эл кезган шинавандлардан тинглаб, улқоч қопилган кенгликларни, дараларни ўз кўзинг билан кўришга нима етсин. Аммо юрагимизнинг бир четини: «Хали эрта баҳор бўлса, тоғ худудлари ёғин-сочинлидир», — деган хавотир тирнарди.

- Бемало йўлга чиқарверинглар, мен борган қунлар тоғда ҳам қуёш чарақлаб турганди, бир томчи ҳам ёғир ташламаяпти, — дея хавотиримизни арипти яқинда шу томонлардан келган танишимиз.
- Қаршидаги эски бозор худудидан Қамашига жўнайди деган «Нексия»га ўтирдик.
- Йўл бўлсин, меҳмонлар?
- Деҳқонободга.
- Дуоб томонларгами?
- Ха.
- Унда тезроқ жўнашимиз керак, — шошилди қоракан, — Хали Қамашидан сўнг Қизилтепага боришларингиз керак, агар тушгача Қизилтепага етиб бормасангиз, сиз бораётган йўналишга қатнайдиغان мошинлар қолмайди.

Илгари тоғ томонларга йўли тушмаган биримиз ҳайрон қолдик: — Қизик, соат миллири эндигина кундузги 10.30 ни кўрсатиб турган бўлса, борингки Қамашига ҳам бир соат вақт сарфласак, нахот кун ярим-ламай туриб биз чамалаган Қизилмозор, Деғморон, Терсоқар, Дуоб, Янқиқашлоқ, Теракли, Қўшқўл, Қизилсой томонларга улқоч қатнови тўхта-са? Одамларга роса қийин экан-да.

— Ажабланманг, тоғ худудларига қирақаси мошин ҳайдовчилари кечи билан 12 ларгача жўнайди, шунгача улғурмасак, Қамашидан қўноқ жой топишга мажбур бўламиз.

— Укам, бу туришда манзилимизга етказолмайсиз, — ҳайдовчига сўз қотди ўрта ёшлардаги киши.

— Дарвоқе, мошин мотори тез-тез йўталиб, ҳайдовчи бензин насосини тозалаб туришига тўғри келаётганди.

— Мошиним носоз бўлмаганда-ку зиёратга кириб ўтардик, майли, сафардан қайтадиган кунларингиз дуч келсак сизларни албатта Лангар отага олиб чиқаман, — деди.

— Деҳқонлар борадиган жойга анча бор экан, ўғлим, —ҳайдовчига сўз қотди мошиндан тушган ёшулли ҳамроҳимиз. — Буларни ҳеч бўлмаса Янқиқашлоқдаги теғирмонгача элтиб қўйинг.

— Дунёда саховатталаб одамларнинг борлигига шукур, янги танишимиз бизни отахон айтган теғирмонгача элтиб қўйди. Уша қуни Жўрабой домланиқиди қўноқ бўлдиқ, меҳмон қолганидан хабар топан қўни-қўшнлар йиғилди. Домланинг ўғиллари бизнинг қўй-ҳайлашимизга қарамасдан семизгина серкани бўғизлашди. Битикларимизнинг бошланги қисмини эшитиб, Жума бобонинг гап халтаси очилди. Дастурхон атрофида анча маҳалгача гурунглашиб ўтирдик.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон ёқли энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгазининг Тошкент вилояти вакилиги жамоаси Марказий Кенгазининг вилоят бўйича вакили Мавжуда Халиловага онаси МАФИРАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.



Тадбир

Қадриятларимиз Жилдоси

Ўзда миллийликни муҳасам этган қадриятларимиз, урф-одатларимиз аждодларимиздан қолган улғ мерос ҳисобланади. Улар ёшларни ватанга муҳаббат, ўзлимизга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан Чилонзор туманидаги 202-мактабнинг 7-синф ўқувчилари ўртасида ўқиб берилади. Эркин мавзуда ижро этилган актиса Клара Жалилованинг «Дўппи тикдим...» кўшиғига тайёрланган сахна кўриниши барчани лол қолдирди.

Шунингдек, улар халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг аёлларимизга бағишланган шеърларини ўқиб берилади. Эркин мавзуда ижро этилган актиса Клара Жалилованинг «Дўппи тикдим...» кўшиғига тайёрланган сахна кўриниши барчани лол қолдирди.

Акмал ЭРГАШЕВ Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Банк тизими

«Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда», — дейилади Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани самара бермоқда. Буни «Агробанк»нинг Жиззах вилоят бошқармасида олиб борилаётган ишлардан ҳам биласан бўлади. Бу ерда кичик бизнес вакилларига юқори савияда хизмат кўрсатилаётгани, банк ҳисоб-рақамларини очиб, кредит олиш мақсадида мурожаат қилган деҳқон, фермер хўжалиқлари ва яққа тартибдаги тадбиркорларга ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

кредитлашга келсак, 2009 йил 17 млрд. 95 млн. сўм қарз ажратилган, шунинг 16 млрд. сўмга яқини банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан. Бу 2008 йилга нисбатан 8 млрд. 436 млн. сўм кўп демакдир. Натигада, вилоят бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш 4 млрд. 523 млн. сўмга ошди. 5 мингтага яқин янги иш ўрни яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23

қорамол сотиб олди. Банк бугунги кунда 1250 нафар тадбиркор аёлга хизмат кўрсатмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Бултур фаолият кўламини кенгайтириш истиқолидаги 276 нафар тадбиркор аёлга кредит берилди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, хизмат кўрсатиш ва бошқа

чекланган жамияти эса 50 млн. сўм кредит эвазига иссиқхона ташкил қилди. Ёш оилаларнинг уй-жой, истеъмолат товарларини сотиб олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун ҳам банк ёрдамини аямаётир. Мисол учун, Зомин туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор М.Самарова аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш учун 9 млн. сўм кредит олди. Фориш туманидан фуқаро Н.Жонқобилова электрон жиҳозлар сотиб олиш учун кредит берилди. Зарбдор туманида яшовчи Ф.Шодиёрова эса 30 млн. сўмлик кредит эвазига уйи бўлди. Жиззахда мева, сабзавот маҳсулотлари кўп етиштирилади. Шунинг учун минитехнологияларни жалб қилиб,



бошқарманинг ҳиссаси катта. Ўтган йили ушбу соҳада фаолият юритаётган 49 та кичик бизнес субъектига 1 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилгани фикримизни тасдиқлаб турибди. Хусусан, хусусий

кредит маблағлари йўналтирилди. Бу 835 та иш ўрнини яратиш имконини берди. Яғнимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир неча мисол келтирсак. Фаллаорол туманидаги «Азиз инвест фэйз» хусусий фирмасига 150 млн. сўм кредит ажратилиб, ўн мингта парранда боқиб қувватига эга бўлган ферма ташкил этилди. Бундан ташқари банк томонидан Зомин туманидаги «Шодмонқулов Дилшод» фермер хўжалигига иссиқхона қуриш учун 30 млн. Арнасойдаги «Зебузар принт» хусусий фирмасига асаларчилик хўжалигини ташкил этиш учун 15 млн. Жиззах туманидаги «Аузкент балиқчилик» хўжалигига балиқчиликни ривожлантириш учун 10 млн. сўм кредит берилди.

Бошқарма вилоятда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Биргина «Жиззахпатмас» очик акциядорлик жамиятига берилган 1 млрд. 200 млн сўм кредитнинг ўзи фикримизни тасдиқлаб турибди. Бунинг натижасида 100 дан ортиқ иш ўрни яратилди, маҳсулот ишлаб чиқариш эса 1,5 бараварга ошди. Бундан ташқари вилоятда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида 21 та кичик бизнес субъектига 795 млн. сўм кредит ажратилган. Оқибатда Жиззах шаҳридаги «Нур орион голд» масъулияти чекланган жамияти макaron ишлаб чиқариш ускунаси, Бахмал туманидаги «Нур» фермер хўжалиги мева-сабзавотни қайта ишлайдиган технологияларни сотиб олди ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Фулом ЮСУПОВ, «Ishonch» муҳбири



соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркор аёллар шулар жумласидандир. Асосий кредит кичик бизнес субъектларига ажратилиб, натижада 450 та янги иш ўрни ташкил этилди. Масалан, Жиззах шаҳридаги «Мадад шифо» хусусий фирмаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадини ташкил этиш мақсадида 25 млн. сўм кредит олган эди. Корхона ушбу маблағга тиббиёт ускуналарини сотиб олди. Натигада, 16 ўринли клиника иш бошлади. 6 киши ишли бўлди. Жиззах туманидаги «Атириум Флора» масъулияти

уларни қайта ишлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Буни ўз вақтида англаган бошқарма мутахассислари бултур Молия вазирлиги тахираси ҳисобидан 2 та мижозга 130 млн. сўм миқдорда кредит берди. Ҳозир бунинг эвазига мева, сабзавот, сутни қайта ишлаш бошланб кетди. Жумладан, Фаллаорол туманидаги «Темур тузуқлари» фермер хўжалигига ажратилган кредит эвазига мевани қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди.

тадбиркор Э.Пиримов банк берган кредит эвазига Фаллаорол туманидаги Гўбдин кишлоғида сартарошхонани ишга туширди. Бахмал тумани Гўлбулоқ кишлоғидаги «Гўлбулоқ гўзали» масъулияти чекланган жамияти эса олган кредитини тўйхона хизматини ривожлантиришга сарфлади. Паррандачилик, гўшт, сут нон, иссиқхона, чорвачилик, балиқчилик, асаларчиликка йўналтирилган кредитлар салмоғи ҳам юқори бўлди. Аниқроқ айтганда, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 3 млрд. 72 млн. сўмлик

Зиё масканларида

Маърифат сарчашмаси

20331 китоб жамғармаси, 92 нусха электрон дарсликка эга бўлган Марғилон шаҳридаги академик лицей ахборот-ресурс маркази хизматида яқин-атрофдаги «Ипакчи», «Тошкесар», «Йўрмадўзи» маҳаллалар аҳолиси ҳамда 6-умумтаълим мактаби ўқувчилари фойдаланмоқда. Барча шарт-шароитларга эга. 50 кишилик

ўқув зали китобхоналар хизматида. Зулфия таваллудига бағишланган «Яна баҳор келди, сени сўроқлаб», Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари юзасидан ўтган бадийи кеча, «Ватан тўйуси муқаддас», «Жавоҳир сандири — китобдир», «Барҳаёт сиймолар» мавзусидаги тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Дўстлик ришталари

Янги юлдузлар

Фарғона шаҳридаги татар миллий маданият маркази Юсуфжон қизиқ Шарқаржонов номли вилоят мусикали комедия ва драма театри ижодий жамоаси билан ҳамкорликда «Янги юлдузлар» деб номланган концерт дастурини томошабинларга тақдим этди. Илк бор сахнага чиққан ёш истеъдод соҳиблари она Ватан, қардошлик, дўстлик ва биродарликни тараннум этувчи куй, қўшиқ

ва рақслар ижро этишди. — Вилоятда ўтказилаётган турли тадбирларда бадийи жамоасини фаол қатнашиб келмоқда, — дейди татар маданият маркази раҳбари Ра-вил Тугушев. — Баркамол авлод йилида бир қатор учрашувлар, кўрик-танловлар

ўтказишни, шунингдек, рус, яҳудий, корейс миллий маданият марказлари тадбирларида ҳам концерт дастуримиз билан иштирок этишни таъминлаштираганимиз. Муҳаммаджон МАХМУДОВ

Оғир атлетика

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати нихоясига етиб бормоқда. Қувончли жиҳати мамлакатимиз ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари шу йилнинг август ойида Сингапурда Халқаро миллий олимпия кўмитаси томонидан биринчи бор ташкил этилаётган ёшлар ўртасидаги I Олимпия йўлларига иккита йўлланмани қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Осиё полвонлари ТОШКЕНТДА

Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) кўмагида Осиё оғир атлетика федерацияси (ААФ), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган чемпионатда 24 мамлакатдан ташриф буюрган икки юздан ортиқ спортчилар ўртасидаги мусобақада ўн етти ёшгача бўлган ўрил-қизлар олимпия йўлланмаси учун беллашди. Чемпионат қондасига кўра, йўлланма иштирокчиларнинг умумий баллари натижасига қараб шохушнинг юқори поғоналарини банд этган терма жамоаларга берилди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси вакили Муҳаммад Юсуфов 94 кг. вазнганча бўлган оғир атлетикачилар беллашувида даст кўтариш, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича учта олтин медални қўлга киритди. Зиёвуддин Қўтбидинов даст кўтаришда кумуш, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича бир жупт

Қизлар ўртасидаги беллашуларда истеъдодли спортчимиз Марина Сисоева даст кўтариш, силтаб кўтариш, икки кураш беллашуларида жами учта бронза медалига эга бўлди. Бу натижа Ўзбекистон қизлар терма жамоасининг Сингапур Олимпиадасига йўлланма олишини таъминлади. Қолган учта йўлланмага Индонезия, Филиппин, Малайзия қизлар терма жамоалари эга чиқди. 13 апрел куни оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати бошланди. Мусобақада йигирма ёшгача бўлган оғир атлетикачилар Осиё чемпионати медаллари учун куч синашмоқда.

Вазни 53 кг.гача бўлган қизлар беллашувида ҳамюртимиз Бибиойша Буриева штангани даст кўтариш, силтаб кўтариш ва икки кураш натижаларига кўра учта бронза медални қўлга киритди. Оғир атлетикачилар совинрили ўринлар учун куч синашишда давом этишяпти. Эслаб ўтатиш, чемпионат эртага нихоясига етади.

Назрулла МАХАМОВ, «Ishonch» муҳбири

Кичик бизнесни кредитлаш

Жиззах вилоятида маҳсулот ишлаб чиқаришни 4,5 миллиард сўмга оширди



мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан банк ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 370 та шахсий ёрдамчи хўжаликка 454 млн. сўм кредит ажратди. Улар бу маблағга 598 та

уларни қайта ишлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Буни ўз вақтида англаган бошқарма мутахассислари бултур Молия вазирлиги тахираси ҳисобидан 2 та мижозга 130 млн. сўм миқдорда кредит берди. Ҳозир бунинг эвазига мева, сабзавот, сутни қайта ишлаш бошланб кетди. Жумладан, Фаллаорол туманидаги «Темур тузуқлари» фермер хўжалигига ажратилган кредит эвазига мевани қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди.

тадбиркор Э.Пиримов банк берган кредит эвазига Фаллаорол туманидаги Гўбдин кишлоғида сартарошхонани ишга туширди. Бахмал тумани Гўлбулоқ кишлоғидаги «Гўлбулоқ гўзали» масъулияти чекланган жамияти эса олган кредитини тўйхона хизматини ривожлантиришга сарфлади. Паррандачилик, гўшт, сут нон, иссиқхона, чорвачилик, балиқчилик, асаларчиликка йўналтирилган кредитлар салмоғи ҳам юқори бўлди. Аниқроқ айтганда, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 3 млрд. 72 млн. сўмлик



oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV,

Nosirxon AKBAROV, Oysulov NAFASOVA, Pirmiquil QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONOBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

J.Sharofboyev

Navbatchi:

A. Abdullayev

Musahhih:

N.Rahimova

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buxoro» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-maqom bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikr ta'biriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 18.00. Topshirildi - 18.20

Buyurtma T — 352

19324 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5